



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ Кундалик газетаси

№ 86 (11.647)

Баҳоси эркин нарҳда

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 май куни Оқсаройда Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби Кунио Микурияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон Жаҳон божхона ташкилоти билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

— Халқаро савдо қоидалари ва тартибларини ишлаб чиқишда Жаҳон божхона ташкилотининг ўрни юксак эканини яхши биламиз, — деди Президентимиз.

Мазкур халқаро ташкилот 1947 йилда тузилган ва бугунги кунда 176 давлатни бирлаштиради. Савдо соҳасига доир меъёрларни ишлаб чиқиш, халқаро божхона қоида ва тартибларини тақомиллаштириш, аъзо давлатлар божхона органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ташкилотнинг асосий вазифаларидандир.

Ўзбекистон 1992 йилдан буён мазкур ташкилот билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, 2007 йилда ўзаро ҳамкорликда "2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси божхона органларини ривожлантириш стратеги-

яси" ишлаб чиқилган ва муваффақият-ли амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2003 йилда мамлакатимизда божхона соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича минтақада ягона олий ўқув юрти ташкил этилди. Шунингдек, мамлакат божхона хизматининг минтақавий кинология маркази фаолият кўрсатмоқда.

Урашувда Кунио Микурия самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

— Менинг ушбу ташрифим Ўзбекистон ҳаёти ва унинг ривожланиш суръатлари билан яқиндан танишиш учун яхши имкониятдир, — деди меҳмон.

Оқсаройдаги сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон божхона ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 май куни Оқсаройда Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Чжин Хён Юнни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланишдан мамнуният изҳор этди.

— Сизнинг ушбу ташрифингиз Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиб бораётганидан яна бир далолатдир, — деди Ислам Каримов.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегия шериклик таъминлари асосида изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида мунтазам йўлга қўйилган олий даражадаги учрашувлар ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Корея Республикаси қатор стратегик муҳим лойиҳаларни рўйга чиқа-

ришда Ўзбекистоннинг энг ишончли шерикларидан биридир. Бунга Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона ва халқаро интермодал логистика маркази яхши мисол бўла олади. "КОГАЗ" корпорацияси билан Ус-турт газ-кимё мажмуи қурилиши лойиҳасида нафақат конларни юқори технологик ўзлаштириш, балки полиэтилен ва полипропилен каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мазкур лойиҳага 3 миллиард АҚШ долларидан ортқ сармо жалб этиш мўлжалланмоқда.

Савдо алоқалари соҳасида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. 2009 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми

1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Оқсаройдаги учрашувда Чжин Хён Юн самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Жанубий Корея Ўзбекистон билан ўзаро муносабатлар қўламини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

— Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида иқтисодий ривожланишнинг "Ўзбек модели" ўзининг мустаҳкам ҳимоя механизмига эга эканини яққол намоён этди, — деди меҳмон.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 65 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАМДЎСТЛИККА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАЛҚЛАРИ ВА ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИГА МУРОЖААТИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар халқлари 2010 йил 9 майда совет халқининг 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 65 йиллигини нишонлайди. Совет Иттифоқининг кўпмиллатли халқи ва Куролли Кучлари мисли кўрилмаган дахшатли урушда ўз Ватани озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилди, дунёнинг кўплаб мамлакатларини фашизм зулмидан озод этди.

Халқларимиз фронтда ва фронт ортида фидойилик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва бирдамлик фазилатларини, мислсиз матонатини намоён этдики, буларсиз ғалабага эришиб бўлмас эди. Бундай матонатни, ғалабага бўлган бундай ишонч-иродани тарих кўрмаган.

Йиллар ўтса-да, халқларимиз кўрсатган буюк жасорат қалбимиздан ўчмайди. Вақт ўтган сайин келажак учун мардонавор курашган, буюк Ғалабага эришган солдатларнинг тарихий миссиясининг ахамияти шу қадар теран намоён бўлаверди. Шу муносабат билан Ҳамдўстликка аъзо давлатлар халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилар эканмиз, бугунги дорилармон кунларда умргузаронлик қилаётган фахрийларга ташаққурлар айтаемиз. Биз урушда ғалаба қозонган инсонларни нафақат

сўз билан, балки амалда ҳурматини бажо келтиришга, уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фидойилар ҳақида доимо ғамхўрлик қилишга, уларга эътибор бериш ва муносиб турмуш шароитларини яратишга чақирамиз. 9 май — Ғалаба куни биз учун адолат, фахр ва ғорат тантанаси ва ушбу мисли кўрилмаган дахшатли урушда қўрбон бўлган миллионлаб марҳумларни хотирлаш куни бўлиб қолади. Улуғ Ватан уруши йилларида қаҳрамонларча ҳалок бўлганларнинг номи муқаддас ва қадрлидир. Биз ўз жонини қўрбон қилиб, Ватанини, демократиянинг озодлигини ҳимоя қилганлар олдида ҳамisha қарздоримиз.

Дунёни фашизм балосидан қутқарган солдатлар ва фронт ортида меҳнат қилганларнинг қаҳрамонлигини ҳеч қачон унутмаймиз. Шу сабабли ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилганлар хотирасини ҳурмат билан ёд этишга, ҳарбийлар қабрлари, меъморий комплекслар ва ёдгорликларини, шунингдек, партизанлар, махфий кураш олиб борганлар ва фашистлар лагерлари маҳбусларининг қабрларини асраб-авайлаш ҳақида доимо ғамхўрлик кўрсатишга, Улуғ Ватан уруши йилларида фашист босқинчилари қўлида қўрбон бўлган ҳарбий ва тинч аҳоли хожини топши ишларини фаоллаш-

тиришга даъват этамиз.

Бу Ғалаба барчамизники ва фашизмга қарши курашганлар жасорати олдида бош эгамиз. Фашизмга қарши коалиция бўйича иттифокдошларимизнинг Ғалабага қўшган ҳиссасини, бизга берган ёрдамини ҳеч қачон унутмаймиз. Бироқ бу урушнинг энг катта ва асосий воқеалари совет-герман фронтларида содир бўлган. Мамлакатларимиз уруш йилларида ўн миллионлаб фуқароларидан айрилган. Уруш қўрбонлари орасида барча миллат вакиллари бўлган.

Давлатларимиз халқлари ушбу буюк Ғалабага улкан ҳисса қўшганини инobatга олиб, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида умумий қаҳрамонона тарих ва фашизмга қарши курашда кўрсатилган буюк жасорат учун фахрланиш ҳиссини тарбиялашга чақирамиз.

Умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари, БМТ Низоми ва Хельсинки Яқуний ҳужжати қоидаларига содиқлигини тасдиқлаган ҳолда, дунёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида фаол ҳамкорлик қилишга, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашни кучайтиришга, мавжуд зиддиятларни сиёсий йўл билан ҳал этиш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга даъват этамиз.

## Сўз — анжуман иштирокчиларига ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР — САМАРАЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОМИЛИ

**Вон РИХТОР, «ING Bank N.V.» банки ижрочи директори (Сингапур):**

— Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида нафақат Осиё минтақаси, балки бутун дунё мамлакатлари учун ҳам муҳим масалалар муҳокама қилинди. Жаҳондаги энг етакчи ва тажрибали банкирлар, соҳа мутахассислари билан мулоқотда бўлиш, фикр ва ахборот алмашиш учун қўлай имконият яратган ушбу анжуманда қатнашганимдан гоят мамнунман.

Ўзбекистонга илк бор келишим бўлса-да, бу ерда турли хабарларда амалга оширилаётган ислохотлар бераётган юксак самараларни кўриб, чин дилдан ҳайратландим. Мамлакатингиз иқтисодиёти муттасил юксалиб бораётди. Саноатнинг кўллаб тармоқлари изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини катта қизиқиш билан ўрганиб чиқдим. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз кўллаб мамлакатлар, жумладан, ривожланган давлатлар иқтисодиётига ҳам катта зарар етказди. Бошқа мамлакатлардан фарқи равишда, инқирозга қарши ўз вақтида ва тўғри амалга оширилган кенг қамровдаги чоралар тўғрисида Ўзбекистон глобал иқтисодий бўҳрондан деярли зарар кўрмагани ҳар

қадамда сезилди.

Мамлакатингизда банкларнинг пишиқ-пухта ишлаб чиқилган тизими эътиборимни тортди. Ўзбекистон билан банк-молия соҳасида ҳамкорлик қилиш имкониятлари жуда кенг эканига амин бўлдим.

**Хисао ШИБУСАВА, «Global Investment for Development» ташкилоти президенти:**

— Халқаро молиявий-иқтисодий бўҳрон дунёнинг барча мамлакатлари, энг ривожланган давлатлар иқтисодиётига ҳам катта зарар етказди. Давом этаётган бундай мураккаб шароитдан Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон муваффақиятли чиқа олди.

Жаҳонда иқтисодий кўрсаткичларнинг муттасил пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ривожланиётгани, экспорт кўрсаткичлари ошаётгани, хорижий инвестициялар кенг жалб этилаётгани диққатга сазовор.

Ўзбекистон — ҳар томонлама истиқболли мамлакат. Шунингдек, айташ жоизки, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилгани жаҳон бозорига рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга, аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. (Давоми 2-бетда).

## УЛКАН ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ

**5 май — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари, «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари таъсис этилган кун**

Мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фидойилик кўрсатаётган, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган юрtdошларимиз меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони ва олий нишон — "Олтин юлдуз" медали, "Мустақиллик", "Дўстлик" орденлари, "Жасорат" ва "Шуҳрат" медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

"Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони мамлакатимизнинг олий даражадаги мукофоти-дир. Бу унвон юртимиз фуқароларига, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонлик кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади. "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланган шахсга "Олтин юлдуз" медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тантанали вазиятда топширилади.

(Давоми 2-бетда).

## XXI аср Садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган санъат коллежида Баркамол авлод йили муносабати билан болалар ва ўсмирлар хор жамоалари ўртасидаги республика кўрик-фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ўсиб келаётган ёш авлоднинг миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, санъатга ошно этиш мақсадида ўтказилган фестивалнинг туман босқичларида сараланган ўндан ортқ хор жамоалари иштирок этди.

● Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан Жиззах вилояти Маънавият тарғибот марказида "Биз бир замон ва бир замин фарзандларимиз" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Анжуман доирасида вилоят миллий маданият марказларининг халқ амалий санъати ва миллий урф-одатларини акс эттирувчи кўргазма намоиш этилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Қанлиқўл туманида одам савдосига қарши курашиш масаласига бағишланган йилги бўлиб ўтди. Йилгида Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида туманда жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

● Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида спортнинг ҳарбий-амалий ва олимпия турлари бўйича тўртинчи "Умумармия ўйинлари" давом этмоқда.

● Урганч шаҳрида гўшти қайта ишлашга ихтисослашган «Ишонч ҳамкор импекс» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. 15 та янги иш ўрни яратилган ушбу корхонада бир кеча-кундузда 10 тонна гўшт қайта ишланиб, 16 турдаги колбаса маҳсулотлари тайёрланмоқда.

● Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш инвестиция дастурига мувофиқ Навоий шаҳридаги тиббиёт бирлашмасини тўла таъмирлаш ишлари бошланди. Туб ўзгаришлардан сўнг ушбу шифо маскани Навоий вилояти кўп тармоқли даволаш маскани бўлади ва бу ерда жарроҳлик ҳамда терапия бўлимлари, консултация поликлиникаси очилади.

### ЖАҲОНДА

● Буюк Британияда парламент сайловларидан олдин кечаги кун учта партия етакчилари учун жуда қизгин кечди. Улар жойларда сўнги сайловолди митингларини ўтказишди. Бироқ ҳамон янги ҳукумат таркибига сайловларнинг қандай натижа билан яқунланиши маълум эмас.

● Грецияда давлат хизматчиларининг умуммиллий иш ташлашлари муносабати билан кеча ҳаво, денгиз ва темир йўл транспортдаги бонгга қатновлар бекор қилинди. Аэропортлар халқаро парвозларни қабул қилмади. Автобусларнинг халқаро ва ички қатновлари ҳам эртага эрталабга қадар тўхтатилди.

● Кеча Исландияда отилган вулқон кули осмонни қуюқ қоплагани учун ярим кун давомида Ирландия ва Шотландияда барча самолётлар парвози тўхтатилди. Бугун эса Шимолий Ирландия ва Шотландиядаги парвозлар бекор қилинмоқда.

● Асли келиб чиқиши пакистонлик бўлган Америка фуқароси Файсал Шаҳзод кеча Манхеттен федерал округи судида жавобгарликка тортилди. Унга бешта пункт бўйича, жумладан, халқаро терроризм ва оммавий қиргин қуролидан фойдаланиш айблари қўйилмоқда. Файсал Нью-Йоркдаги марказий хиёбонда террорчилик ҳаракатини амалга ошироқчи бўлганлигини бўйнига олиб, Вазиристонда тайёргарликдан ўтганлигини билдирди.

● Мексика кўрфазида шикастланган нефть платформаси қувуридан оқиб чиқаётган «қора олтин» қатлами Майами қурут шахри қирғоқларига яқинлашиб қолди ва бу ердаги жуда ноёб табиий кўриқхонага жиддий хавф туғдирмоқда. «Бритиш Петролеум» компанияси ҳозирда платформани ёпиш учун улкан металл қобик тайёрламоқда. АҚШ тарихидаги ушбу энг йирик экологик ҳалокат мамлакат иқтисодиётига беш миллиард долларлик зарар етказганлиги айтилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган йиллар давомида ўнлаб ватандошларимиз ана шу олий мукофотга сазовор бўлди. Улар орасида давлат ва жамоат арбоблари, фан, таълим, маданият, адабиёт намояндлари, санъат, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари, фермерлар бор. Уларнинг қарамонна меҳнати ва фаолияти, ибратли ҳаёти юртимизда баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик, озодлик, ҳурлик. Булар биз учун энг улуг, энг азиз сўзлардир. Гарчи, Ватанимиз истиқлолга эришиб, халқимиз ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган бўлса-да, ушбу сўзларнинг аҳамияти ҳеч қачон камаймайди. Аждодларимиз Ватан эрки, юрт озодлигини ҳамма нарсадан устун қўйган, бу буюк неъматни кўз қорачиғидек асраш, қўлдан бермаслик учун жон фидо қилган. Ота-боболаримизнинг асрий орзу-умидлари — истиқлолимиз халқимизнинг улкан тарихий ютуғи, биз авлодларга насиб этган тоғли неъматдир. Шу маънода давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири «Мустақиллик» номи билан аталгани бежиз эмас.

«Мустақиллик» ордени билан ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва уни мустақамлашга, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган юрдошларимиз, шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар тақдирланади.

Қонун ҳужжатларида қайд этилганидек, давлат мукофотлари билан айрим ҳолларда мамлакатимизнинг маъмурий-худудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин.

Инсоният тамаддуни, жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган

шаҳарлар орасида Ватанимиз юраги — Тошкент алоҳида мавқеи ва нуфузи билан ажралиб туради. Йигирма икки асрлик ўтмишга эга шаҳар асрлар давомида улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва маърифий марказлардан бири бўлиб келган. 2009 йилда Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи

шаҳри 2009 йилда «Мустақиллик» ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон — кўпмиллатли мамлакат. Юртимизда юздан зиёд миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ ҳаёт кечириб, давлатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Барча миллат ва элат вакиллари тили, урф-одатлари ва аъна-

## УЛКАН ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ

халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳаёти юртимиз тарихи ва келажаги билан чамбарчас боғлиқдир. Тошкентда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, унинг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва илмий салоҳиятининг тикланиши Ватанимизнинг мустақил тараққиёт йўли билан узвий боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, давлатларaro ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу аъналарини сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент

налари ҳурмат қилиниши, ривожланиши учун барча шароитлар яратилган. Миллатларaro тотувлик, дўстлик юртимиздаги барқарорлик ҳамда тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётди.

«Дўстлик» ордени билан Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатлар вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустақамлаш ишида катта ютуқларга эришган, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳамкорлигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар тақдирланади.

Мазкур давлат мукофоти соҳиблари орасида ҳамюртларимиздан ташқари, бошқа мамлакатлар фуқаролари ҳам бор. 2003 йилнинг сентябрь ойида Нукус шаҳрининг 70 йиллиги кенг нишонланди. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ва тотувликни

мустақамлашда нуқсусликларнинг ҳам хизматлари катта. Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонига мувофиқ Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

Тинчлик, осойишталик халқимиз азалдан қадрлаб келган неъматлардандир. Тинчлик, барқарорлик ҳукмрон юрдагина буюк бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, эзгу орзу-интилишларни рўйга чиқариш мумкин. Юртимиз тинчлигини, халқимизнинг хотиржам ва осойишта ҳаётини таъминлаш миллий армиямиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари, осойиштагимиз посбонлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш йўлида мардлик ва фидойилик кўрсатган инсонларнинг Ватан олдидаги хизматлари ҳеч қачон унутилмайди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ва жасоратлари учун ўнлаб юрдошларимиз «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт фойдаларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида улкан ютуқларга эришаётган юрдошларимиз «Шухрат» медали билан мукофотланади.

Мамлакатимизнинг давлат мукофотлари, ордени ва медаллари ҳалол ва баракали меҳнат қилаётган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий қадриятдир.

Олим ТУРАҚУЛОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси

## ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР — САМАРАЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Александр ФИШЕР, иқтисодий тадқиқотлар институти бошқарувчи директори (Германия):

— Юртингизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар киритишни кенгайтиришда муҳим омили бўлаётди. Кўплаб халқаро молия институтлари, жумладан, Осиё тараққиёт банкининг юртингизда йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётгани бунинг далилидир. Шунингдек, Ўзбекистонда инфраструктуранинг такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир.

Хариндер КОХЛИ, «Centennial Group Holdings» корпорацияси президенти (АҚШ):

— Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси доирасида Марказий Осиё мамлакатларида глобал молиявий инқирозга қарши олиб борилган чора-тадбирлар ҳақидаги китобимнинг тақдироти бўлиб ўтди. Қайди этиш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида дунёнинг қарийб барча мамлакатлари оғир қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Шундай мураккаб шароитда глобал иқтисодий бўҳрондан деярли азият чекмаган Ўзбекистоннинг бой тажрибасини ўрганиш кўпчилик учун жуда фойдалидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий бўҳрондан зиён кўрмагани барча соҳалар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Жумладан, инфраструктура, қурилиш ва банк-молия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва қўлга киритилаётган улкан ютуқлар бунинг ёрқин намунасидир. Зеро, бу омиллар юртингиз иқтисодиётининг ҳар қандай шароитда муттасил ривожланишга қодир эканидан далолатдир.

Мамлакатингизнинг мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани — чиройига-чиройи, кўркига-кўрки қўшилганини кўриб, лол қолдим. Ўзбеки-

стоннинг тарихан қисқа давр мобайнида эришган улкан ютуқлари таҳсинга лойиқдир.

Элла ВИСЕНТЕ хоним, мустақил маслаҳатчи — транспорт соҳаси бўйича етакчи мутахассис (Филиппин):

— Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кучли ижтимоий сиёсат юритиш, иқтисодиётнинг барча соҳалари, айниқса, транспорт ва транспорт коммуникациялари тизимини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдим.

Мамлакатингизга келиб, юртингизнинг нақадар тараққили эканига яна бир бор амин бўлдим. Тошкентнинг гўзал табиати, сўлим гўшалари, замонавий иншоотлар, маҳобатли меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, айниқса, халқингизнинг бой маданияти — урф-одатлари, қадрият ва аъналарини мени ўзига мафтун этди. Айни пайтда шаҳар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари эътиборни тортади.

Ўзбекистондаги тинчликка, осойишталик ва фаровонликка, ўзбекона эҳтиромга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Ю Йол ЛИ, Корея банки директорининг биринчи ўринбосари (Жанубий Корея):

— Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ва барқарор ривожланаётгани мамлакатда танланган тараққиёт модели ҳаётини ва самарали эканлигининг далилидир.

Мамлакатингиз сайёҳлик борасида ҳам улкан салоҳиятга эга. Юртингизда мазкур соҳа инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётди. Ўзбекистонда қад ростилаётган замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари торабора кўпайиб, уларда сервис хизмати тубдан яхшиланмоқда.

Ўзбекистонга икки йил аввал келганим. Ўтган қисқа

даврдан Тошкент жуда ўзгариб кетибди. Буни Амир Темур хиёбонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, кўплаб замонавий иншоотлар, жумладан, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи мисолида кўриш мумкин.

Хелен КАРН, олимпиада ороллари (Кука ороллари):

— Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳавас қилса арзигулик даражада барқарор ривожланаётганига гувоҳ бўлдим. Соҳага илғор ва замонавий технологиялар, янги инновацион гоялар фаол жорий қилинаётгани ва бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани мазкур тармоқ изчил тараққиёт этишига хизмат қилаётди.

Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси самарали ўтмоқда.

Тала ГОВИНДА, Осиё тараққиёт банкининг Бруней, Малайзия, Мянма, Непал, Сингапур ва Таиланд мамлакатлари бўйича ижрочи директори:

— Мамлакатингиз билан Осиё ўртасидаги ўзаро муносабатлар изчил ривожланаётганининг асосий омили бундан икки томоннинг ҳам манфаатдор эканидир.


Ўзбекистон иқтисодиёти жадал юксалиб, улкан муваффақиятларга эришмоқда. Зеро, юртингиз қисқа давр ичида дунё мамлакатлари орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётди. Ўзбекистоннинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда кенг эътироф этилган. Айтиш жоизки, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Тадбиркорларнинг фаолияти кенг қўллаб-қувватланиб, эркин ва фаол иш юритиши учун барча зарур шароит яратилган. Булар юртингизда иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилаётган чора-тадбирлар бераётган самараларнинг амалдаги ифодасидир.

ЎЗА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА ёзиб олди.

Тошкент Ислам университетидан турли соҳалар учун ҳар томонлама билимли, инглиз ва араб тилларини пухта эгаллаган юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Ўқув муассасаларида

## УНИВЕРСИТЕТДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ



Университетда бакалаврият босқичида «Диншунослик», «Юриспруденция (ислом ҳуқуқи)», «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» ва «Информатика ва ахборот технологиялари», магистратурада «Диншунослик», «Исломшунослик», «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти», «Ислам ҳуқуқи» йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Жорий ўқув йилида университетни 117 нафар талаба, магистратура босқичида 16 нафар магистр табириб чиқади.

Мазкур йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича чуқур билимга эга битирувчиларнинг меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш борасида университетда доимий равишда чора-тадбирлар кўриб борилади.

Шу мақсадда яқинда Тошкент Ислам университетидан «Битирувчи — 2010» меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Тадбирга вазирлик ва идоралар, турли мулкчилик шаклига эга муассасалар — қирқга яқин иш берувчи ташриф буюрди. Ярмаркада дастлаб битирувчилар томонидан ўз йўналишлари ҳақида тақдимотлар намойиш этилди. Шундан сўнг бакалавр ва магистрлар ҳамда иш берувчи ташкилотлар ўртасида бевосита мулоқот ташкил этилди. Унда ишга қабул қилиш жараёнлари ва шарт-шароитлари ҳақида фикр алмашилди. Битирувчилар анкета-резюме тўлдириб, иш берувчилар билан ишга жойлаштириш юзасидан келишиб олишди.

Илхом БЕРДИЯРОВ, ТИУ маркетинг хизмати бўлими бошлиги СУРАТДА: меҳнат ярмаркасида давлат

ХАРУХИКО КУРОДА:

## «ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ»

Халқаро бизнес-марказда

Осиё тараққиёт банки

президенти Харухико

Куроданин

Бошқарувчилар кенгашининг

1-4 май кунлари Тошкентда

ўтган 43-йиллик мажлиси

яқунларига бағишланган

матбуот анжумани бўлиб

ўтди.

Осиё тараққиёт банки президенти Ўзбекистон раҳбариятига Осиёнинг Тошкентдаги форуми юксак савияда ташкил қилингани ва уни ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилгани ҳамда тадбирнинг самарали ўтишига ёрдам бергани учун самимий миннатдорлик изҳор этди. Осиё Бошқарувчилар кенгашининг бу йилги мажлисида Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан самарали чиқиши ва инқироздан кейинги ривожланиши билан боғлиқ қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган долзарб масалалар кўриб чиқилди. Шу мақсадда минтақанинг иқтисодий барқарорлигини ошириш, унинг глобал иқтисодий бошқарувга, минтақавий интеграцияни кенгайтиришга ҳисса қўшиши учун зарур чораларни кўриш лозимлиги ҳамда бу жараёнлар Осиё томонидан кейин ҳам қўллаб-қувватланиши таъкидланди. Осиё томонидан ишлаб чиқилган «Стратегия—2020» дастури айнан ушбу масалаларни ҳал этишга қаратилган. Барқарор иқтисодий ривожланишга бевосита дахлдор бўлган иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва кўёш энергиясидан янада кенг фойдаланиш мажлисида кўриб чиқилган муҳим масалалар сирасидандир.

Осиё президенти ЎЗА мухбири саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон иқтисодиётига инқироз «бошқа» кўллаб-қувватларга қараганда кам миқёсда бўлса-да, таъсир кўрсатганини таъкидлади. Мамлакат раҳбарияти иқтисодий ривожланишга инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, солиқ ва молия сиёсатини такомиллаштириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш, экспортга йўналтирилган секторни қўллаб-қувватлаш, ички бозор ҳамда инфратузилмани, шунингдек, ижтимоий соҳани мустақамлаш борасида ўз вақтида чора-тадбирлар кўрди.

Умуман, Ўзбекистон глобал инқирозга гоят ишончли тарзда қарши турди. Айнан шу боис миллий иқтисодиёт жаҳон инқирози сабабли юзага келган вазиятдан тез ва самарали чиқишга эришди. Натижада иқтисодий ўсиш сақлаб қолинди ва бу кўрсаткич 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил қилди. Осиё прогнозларига кўра, 2010 йилда иқтисодий ўсиш 8,5 фоизга етиши мумкин. Бу минтақадан энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади ва келаси йили 9 фоизга етиши мумкин. Бу кутилаётган ва табиий натижадир, деб таъкидлади Х.Куроода.

Осиё тараққиёт банки президенти, шунингдек, Осиё Марказий Осиё мамлакатлари билан транспорт, савдо ва энергетика соҳасида минтақавий ҳамжиҳатликни кенгайтириш борасида ҳамкорликда иш олиб бораётганини маълум қилди. Ўзбекистонда «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши бундай самарали фаолиятнинг ёрқин мисолидир. Мазкур зона йирик минтақавий транспорт ва савдо марказига айланиш учун улкан салоҳиятга эга. Биз Ўзбекистоннинг минтақадан транспорт алоқасини яхшилаш ва глобал бозорларга чиқиш борасидаги саёй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз ва ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашни давом эттираемиз, деди Осиё президенти.

Осиё Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорлик асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларни кенг қўллаб-қувватламоқда. Осиё Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси доирасида имзоланган янги кредит битимларида Ўзбекистоннинг муҳим тармоқларида амалга ошириладиган умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қатор лойиҳаларни молиялаштириш кўзда тутилмоқда.

— Бизнинг мақсадимиз барқарор ривожланишининг муҳим омиллари ҳисобланган хусусий секторни микромолиялаштириш, энергетика, йўл қурилиши, таълим соҳаси билан боғлиқ муҳим йўналишларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустақамлашдан иборат, — деди Осиё президенти Харухико Курода.

Анна ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири

# ДЕПУТАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Албатта, инсон бундай кучга эга, қачонки унинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишида қонун устувор бўлса. Шундай экан, қонунлар ҳам ўз таъсир доирасини ҳар томонлама акс эттирган ҳолда тенг тарзда жамият ва давлатни тараққиёт сари ундовчи куч ҳисобланади.

Қонун ижодкорларининг таъбири билан айтганда, қонунлар давлат қудратини мустақамловчи, халқ фаровонлиги ва истиқболини таъминловчи ишончли пойдевордир. Шу билан бирга ҳар бир қонун, худди инсон табиати каби, замон талабидан келиб чиққан ҳолда янгилашиб ва такомиллашиб бормоғи лозим.

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўришмоқда. Кун тартибидан ўнга яқин янги қонун лойиҳалари ўрин олиши, шу жумладан амалдаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши кутилмоқда. Уларнинг моҳияти ва долзарблиги нимада? Олий Мажлис Сенати аъзоси, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази директори ўринбосари **Елена Михайловна БОРИСОВА** билан суҳбатимиз шу хусусда кечди.

— Авваламбор айтиб ўтмоқчиманки, бу мажлис икки палатали парламентнинг янги таркиби учун алоҳида аҳамиятга эга. Биз илк марта бевосита бундай муҳим қонун ижодкорлиги миссиясини бажаришга киришамиз. Қабул қилинаётган қонунлар чукр ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилганлиги, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар жараёнларининг талаблари билан узвийлиги, узоқ истиқболга мўлжалланганлиги, аниқроқ қилиб айтганда бўлса, уларнинг таъсирчанлигининг таъминланиши биз, республикаимизнинг барча минтақалари номидан иштирок этувчи Сенат аъзоларига боғлиқдир. Шундай экан, зиммамизга ҳар бир қонун лойиҳасини унинг умумий манфаатлар сари амалдаги ифодасини ҳисобга олган ҳолда муҳомада этишдек масъулиятли вазифа қўйилаётганини англамоғимиз даркор.

Кейинги беш йил ичида барча жаҳларда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришда, катта аҳамиятга эга 250 дан зиёд қонун қабул қилинди. Шунини алоҳида айтиб ўтиш жоизки, бундай қудратли ҳуқуқий майдоннинг мавжудлиги мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозга оғир оқибатларининг олдини олишга қаратилган Инқирозга қарши дастурнинг муваффақиятли ҳаётга татбиқ этилишига ҳам асос бўлиб хизмат қилди. Қолаверса, мазкур дастурнинг изчил татбиқ этилиши иқтисодиётда ўсиш суръатларини барқарор таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш учун қулай имкониятлар яратиб берди.

Ҳар сафар бунга эътибор қаратиб ўтар эканман, мамлакатимиз Президентини томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳамда юқори палатанинг биринчи мажлисида эришилган ютуқлар қаторида, парламентнинг қонунчилик фаолияти чуқур таҳлил этилгани ҳолда бизнинг олдимизга қўйилган вазифаларни қайта-қайта ўрганишга ва англаб етишга ҳаракат қиламан.

Сенатнинг қўйилмак мажлисида ўнга яқин қонунлар кўриб чиқилади. Уларнинг ҳар бири ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадларини қамрайди. Чунончи, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-11-моддаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Қонун муҳомадага қўйилмоқда. «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонун 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган вақт

ичида уни кўриб чиқиш зарурати юзага келгани тушунарли, албатта. Қайд этилган моддаларга биноан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан ҳаётимизга нодавлат тиббий хизмат тушунчаси фаол кириб келди. Шу ўринда тиббиёт — бу бевосита инсон саломатлигини таъминлаш билан боғлиқ алоҳида бир соҳа эканлигини таъкидлаб ўтсақ, фойдадан холи бўлмайди. Хусусий амалиёт билан шуғул

давлат томонидан назорат қилиниши ва мувофиқлаштирилиши таъминланади, масъулият чоралари ҳам белгиланади.

Шу икки қонунни умумлаштирган ҳолда, айтиш мумкинки, қонун бу ҳаёл эмас, балки барчамизнинг саломатлигимизга боғлиқ бўлган ҳаётий воситадир. Пировардда қонун билан биз тинч ва фаровон ҳаётимизни боғлаймиз.

Ялпи мажлис кун тартибига шунингдек суд-ҳуқуқ тизимига оид қонунлар киритилмоқда. «Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун ҳамда Солиқ кодексининг айрим моддаларига ўзгартиш киритиш белгиланган. «Архив иши тўғрисида»ги Қонун ўрганилади, айрим халқаро шартномалар ратификация қилинади, давлат қурилиши ва бошқаруви, ташқи сиёсат йўналишларидаги бошқа қонунлар муҳомада этилади.

Бўлиб ўтадиган юқори палатанинг ялпи

## ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ

ланаётган ҳамкасбларимнинг таъриба ва имкониятларидан шубҳа қилмаган ҳолда, айтмоқчиманки, муқобил хизматнинг, шу жумладан тиббиётда ҳам бўлиши замон талаби. Бироқ қачонки бунда юридик шахс сифатида фаолият юритилса, нафақат масъулиятни оширади, балки пировард натижалар учун ҳам жавобгарликни ҳис этишга ундайди... Янги қонун нодавлат секторидан ҳам юридик мақом остида сифатли тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайди.

«Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги Қонун — мутлақо янги қонунчилик ҳужжати. Микронутриентлар — бу инсон организмидан маромида ишлашида муҳим бўлган минерал ва витамин моддалари ҳисобланади. Таҳлилларга кўра, дунё аҳолисининг 80 фоизиди микронутриент элементлари етишмайди. Бунинг энг мақбул тўлдириш усули — озиқ-овқатни бойитиш ҳисобланади. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотини ҳисобга олган ҳолда шундай усулларни амалда қўлайди. Биз учун бундай маҳсулот нондир. Дастурхонимизда кўри ва файзи нон олдида ҳаттоки ширинликлар ҳам бемаза туюлади...

2005 йилдан бошлаб мамлакатимизда уни бойитиш мақсус дастури жорий этиб келинмоқда. Мазкур дастур доирасида республикаимизнинг бир неча минтақаларида амалга оширилган пилот лойиҳаларининг таҳлили шунини кўрсатдики, бир йил ичида бойитилган ун боис аёлларда камонлик даражасини беш-етти фоизга камайитиришга эришилди.

18 та моддадан иборат янги қонунда аҳоли ўртасида витамин етишмовчилигининг олдини олишга қаратилган узоқ муддатли профилактик чора-тадбирларни амалда қўллаш услублари белгиланган. Қонун кафолати остида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати

мажлисида мамлакатимиз Президентининг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусидаги маърузаларидан келиб чиқадиган асосий вазифаларни татбиқ этиш бўйича Сенатнинг жорий ва кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг тузилмалари фаолияти ҳақида ахборотлар тингланади.

— **Елена Михайловна, сиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг юқори қонунчилик органидаги вакили ҳисобланасиз. Демак, Сенат аъзоси сифатида ўз фаолиятингизда минтақа манфаатларини илгари сура-сиз. Шундай эмасми?**

— Албатта, шундай ва бунини доимо ёдда тутишимиз керак. Мамлакатимиз Президентини ҳам икки палатали парламентнинг қўшма йиғилишида айнан шунга алоҳида урғу бериб ўтган эдилар. Сенат — бу ваколатли орган, унинг асосий аъзолари маҳаллий Кенгашилар депутатларидир. Демак, биз нафақат Кенгаш олдида, балки ўз сайловчиларимиз олдида ҳам ҳисобот бермоғимиз лозим. Бунини унутмаган ҳолда қонун лойиҳаларини кўриб чиқаётганда ва бир тўхтама қилишда биринчи навбатда умумдавлат манфаатларини устун қўйган ҳолда, шу билан бирга алоҳида ҳудуд ва минтақалар манфаатини ҳам унинг ичидан ўтказишимиз лозим. Агарда бундай вазиятларда мушоҳадалар, мунозаралар юзага келадиган бўлса, бунини табиий ҳол деб қабул қилишга ўрганишимиз лозим. Юқорида қайд этилган қонунлар ҳам бунун жамиятимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир. Уларнинг қабул қилиниши ва ҳаётда ўз ифодасини топиши, шубҳасиз, ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг манфаатимизга хизмат қилади.

— **Қонун қанчалик таъсирчан бўлса, унинг самарадорлиги шунчалик ортади. Сизнингча, қонунлар ижроси юзасидан назорат қандай олиб борилиши лозим?**



— Бу, хусусан, бизнинг муҳим вазифаларимиздан биридир. Ушбу масалада биз Қонунчилик палатаси депутатлари билан ўзаро мустақам алоқани ўрнаттишимиз лозим. Шу билан бирга Сенат аъзолари парламентда доимо фаолият юритмайди ва айнан шу ҳолат қонун ҳужжатларининг татбиқ этилишида бизга катта масъулият юқлайди. Бу дегани бир дақиқага ҳам сайловчилар билан алоқани узмаслигимиз лозим ва шу тариқа қабул қилинган қонунлар ҳақиқатда қандай ишлаётганини, одамларни нима ташвишга солаётганини, уларни ҳал этиш учун нима қилиш зарурлигини аниқлаб олиш имкониятини беради. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари расмийлик билан тарзда олиб бориладиганлиги даркор. Бу борада вақт доираси билан чекланмаслик лозим. Сенинг кўмагинга муҳтож кишини эшита олиш, унинг манфаатини қаноатлантириш — бундай ҳиссиётлар билан биз ҳар доим яшашни ўрганишимиз керак, чунки айнан шу инсонлар бизга депутат бўлишимизда ишонч билдиришган.

— **Сайловчилар билан учрашувлар давомида тегишли тузилмалар билан биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам кўтарилаётми?**

— Мен Ҳамза туманидаги аҳоли зич жойлашган Тўзель мавзеси қамровидаги сайлов округларидан биридан сайланганман. Ушбу ҳудудда оилавий поликлиника бўлса-да, бироқ айрим маҳалла фуқароларининг анча узоқда яшашни боис тиббий хизматнинг қўшимча бирламчи бўғини, яъни шохобча ташкил этиш юзасидан таклиф билан чиқиди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, бу тизим фақат республикаимизнинг вилоятларига тааллуқли эмас, албатта. Бугунги кунда пойтахтимизда ҳам бир неча тиббиётнинг бирламчи бўғинлари фаолият юритади. Шуларни ҳисобга олиб, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига депутатлик сўровини киритдим. Мувофиқлаштирувчи тузилманинг жавобидан келиб чиққан ҳолда Тўзель мавзеси аҳолисининг талабини қаноатлантиришга ушбу масала юзасидан мақбул имкониятларни топишга эришамиз, деб ҳисоблайман.

Хулоса қилиб айтмоқчиманки, модомики бизга ишонч билдирилган экан, уни оқлашда бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишга ҳаракат қиламиз.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**  
суҳбатлашди



Х. СОЛИХОВ олган суратлар

## АСОСИЙ МЕЗОН — ФАОЛЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда депутатлар фаоллигини оширишнинг асосий йўналишларига бағишлаб ўтказилган семинар-тренинг менда катта таассурот қолдирди.

Икки кун давом этган мазкур тадбирда биз, депутатлар, Президентимизнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусидаги маърузаларидан келиб чиқиб, вазифаларимиз борасида ўзаро фикрлашиб олдик.

«Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонунда белгиланган депутат ҳуқуқлари, бурчлари ва ваколатларига оид масалаларда баҳс-мунозаралар ҳам бўлди.

Пировардда ишларимизни тўғри ва изчил ташкиллаштириш юзасидан 2010 йил учун ранг-баранг фикрлар ва муқобил мулоҳазалар асосида му-

вофиқлашган ягона ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга қарор қилдик. Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари вазифалари, улар ижросини таъминлаш масаласида ҳам депутатлар фаол мулоҳаза юритдилар. Айни шу масалада турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш юритиш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган мақсус иш режаларимизни амалга ошириш самараси ҳақида фикрлар алмашилди.

Семинар-тренингда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссиялари йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, депутат-

ларнинг сайловчилар мувожадатлари билан ишлаш амалиёти, қонунчилик талаблари, муаммолар ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни сингари муҳим ҳужжатлар ҳақида гап кетганда эса, уларда белгиланган депутатлик партия гуруҳлари фаолиятини ташкил этишнинг муҳим жиҳатларига алоҳида аҳамият берилди.

Депутатлар фаоллигини оширишга қаратилган яна ўнлаб маърузалар, ахборотлар тинг-

ланди. Музокаралар давомида депутатлар семинар-тренингларнинг аҳамиятига тўхталиб ўтилди. Бу борада нафақат депутатлар, балки ҳар бир раҳбар, масъулларнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, мамлакатимиз Президентининг фармон ва қарорлари, Давлат дастурларининг мазмун-моҳиятига эътиборини қаратган ҳолда, ижросини таъминлашни лозимлиқига урғу берилди.

Биз, депутатлар, Президентимиз таъбирлари билан айтганда, зиммамиздаги муҳим вазифани унутмаслигимиз лозим. Энг аввало бугунги кунда эл-юртимиз депутатларга, сенаторларга, ислохотлар тақдирини унун масъул бўлган барча-барча инсонларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бундай юксак ишончли оқлаш барчамиз учун ҳам қарз ҳам фарздир.

**Тошўлат МАТИБОВЕВ,**  
Халқ депутатлари  
Тошкент шаҳар Кенгаши  
депутати

Саҳифа халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди

## Спорт

## ЁШ ПОЛВОНЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

Хабар қилинганидек, «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўсмирлар ўртасида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Осиё саралаш мусобақалари бўлиб ўтди.

Халқаро спорт курашлари федерацияси ташаббуси билан уюштирилган ушбу нуфузли турнирда қитъамизнинг 20та давлатидан келган 200 нафар полвон ғолиблик учун кураш олиб борди. Маълумки, жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда ўсмирлар ўртасида Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.




Тошкентда ўтказилган мусобақада ёш полвонлар мазкур Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритиш учун беллашди. Ҳар бир вазн бўйича мурасасиз курашлар кузатилди. Қувонарлиси, юнон-рум кураши бахсларида ўз вазн тоифаларида ҳамюртларимиз Руслан Комилов ва Нурбек Ҳаққулов барча рақибларидан маҳоратлироқ эканлигини исботлашди ва олтин медаллар билан тақдирланишди.

Аёллар ўртасидаги бахсларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Нилуфар Гадоевага 52 килограммлик вазнида кумуш медал ва Олимпиада йўлнамаси насиб этган бўлса, эркин кураш беллашувларида тошкентлик

Диёрбек Эргашев ўз вазн тоифасида қитъада энг кучли спортчи эканлигини исботлади ва олтин медал эгасига айланди. Эндиликда бу спортчиларимиз Сингапурда ўтказилган Олимпиада мусобақаларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Юнон-рум курашида Баҳром Муродов ва Муҳаммадисо Аҳмадалиев бронза, эркин кураш бўйича Муслим Абдурашидов кумуш медал соҳиби бўлди. Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга совғалар тўхфа этилди. Халқаро спорт курашлари федерацияси раҳбарияти турнир яхши ташкил этилганлигини эътироф этди ва 2011 йилда эркин ва юнон-рум кураши бўйича катталар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатида Тошкент шаҳри мезбонлик қилишини таъкидлаб ўтди.

**АКБАР ЙЎЛДОШЕВ  
СУРАТЛАРДА:  
ТУРНИРДАН ЛАВХАЛАР  
МУҲАММАД АМИН  
(ЎЗА) ОЛГАН СУРАТЛАР**



## Бу — қизиқ

## ГУЛЛАР ХАБАРИ

Она замин табиати нақадар гўзал. Унинг нафосатиға нигоҳ ташлар экансан, ўзига ром қилиб, сирасорларидан воқиф этган ҳолда, аклингни лол қолдиради...

Биолог ва геолог олимлардан биология фанлари номзоди, доцент Ғайбулло Шерматов, геология фанлари доктори, академик Ўткир Исомов чўлу биёбонлар, тоғу тошларни, адирларни пиёда, туюда, машиналарда кезиб, ажиб гуллар очилиш вақтларини узоқ вақтлар кузатганлари, қуёш таъсирида 400 дан зиёд гуллардаги кун давомидидаги туб ўзгаришни ўз кундаликларида қайд этишган. Чунинчи, уқат деган гул ёмғир олдидан кучли ва ёқимли ҳид таратиб, қурғоқчилик олдидан ўз хидини йўқотар экан.

Ажабо, ёмғир ёғиши олдидан ақаянинг сариқ гулида уруғлар четга сурилиб, ўртада, марказда, ялтироқ асал томчиси пай-

до бўлиб, арилар тўдасини ўзига жалб этаркан.

Қуёш шуъласи ялт этиб чиқиши билан сачратки ўз тож барглари эзиб, қуёш ботиши олдидан гуллари юмиб оларкан.

Швед ботаниги Карл Линней гулларнинг турли вақтда очилишидан фойдаланиб, ботаника тарихида «гул соати» ихтиро қилган ер қурасидаги ягона олимдир.

Қуёш нури йўқолиши билан бинафшалар ўз гуллари юмиб, пахта қараб осилиб турар экан. Номозшомгул қуёш ботиши биланқўзғанининг тож барглари тезлик билан ёза бошлаб, эрта тонгда эса қуёш нурини сочиши биланқўзғани юмиб олади...

## ЙИЛЛАР ДАВОМИДА КУТАСИЗ

Ажабо, ер юзида кичик гул — вольфия бўлиб, у камдан-кам

гуллар экан. Дунё олимлари унинг гуллашини йиллар давомидида кутиб дунёдан ўтиб кетар эканлар.

## ҚИЗИЛМИЯНИНГ СИРИ

Геолог олим, академик Ўткир Исомовнинг кузатув амалиётига кўра, Марказий Осиё чўлларида учрайдиган қизилмиянинг ярқираган қизил гунафша рангли гули ер остида чўчүк сув борлигидан дарақ беради. Агар гули ранглар бўлса, у ўсган ердан қазиб олинган сув албатта шўр бўлгани аниқланган.

## МАККАЖЎХОРИ ИЛДИЗИ

Биолог олимларнинг аниқлашича, бир гектар ерда ўсаётган маккажўхорининг илдири тўплаган темирдан икки килограмм миҳ, мисдан эса 20 метр ингичка сим тайёрлаш мумкин экан.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ** тайёрлади.

**Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Бунёдкор» футбол клуби бош мураббийси Луис Сколари ва ярим ҳимоячи Жасур Ҳасанов билан мулоқот бўлиб ўтди.**

## ДАВРА СУҲБАТИ

Тадбир давомидида меҳмонлар ўз фаолияти, режалари билан ўртоқлашиб, ёшликдан спортга ошно, соғлом турмуш тарзи руҳида камолга етиш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида талабалар билан баҳс юритдилар. Институт раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этган тадбир қизгин савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

(Ўз мухбиримиз)

## «02» ХАБАРЛАРИ

● Миробод тумани худудида Чилонзор туманида яшовчи Олег ишламайдиган, Юнусобод туманида яшовчи Назарбайнинг уйи олдида 40.000 сўмга 0,1302 грамм героин моддасини сотаётганида ЖК ва УЖКҚБ тезкор ходимлари томонидан ушланди.

● Шайхонтоҳур тумани худудида тезкор ходимлар томонидан Сурхондарё вилояти, Денов туманида яшовчи, аввал судланган Муҳиддин ушланиб, текширилганда, ёнидан 5,24 грамм героин моддаси топилди.

● Учтепа тумани худудида тезкор ходимлар томонидан шу туманда жойлашган «Иза» қаҳвахонаси олдида шу туманда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Баҳодир ушланиб текширилганда, ёнида 1,21 грамм марихуана гиёванд моддаси борлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

● Юнусобод туманида шу туманда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Шерзод ўзаро жанжал оқибатида таниши, шу

манзилда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Бахтиёр

ошхона пичоғи билан чап қўли тирсагининг тепа қисмини кесиб, тан жароҳати етказган. Натижада жабрланувчи соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Чилонзор туманида Самарқанд шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Мамад ўзаро жанжал оқибатида шу туманда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Георгийни уйида уриб, тан жароҳати етказган. Натижада жабрланувчи касалхонага ётқизилиб, унга чап қовурғалари силжиб сиқиши, чап юз қисми ва кўзида гематома ташхиси қўйилган.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Юлдуз АШИРОВА,** Тошкент шаҳар ИИББ бўлими матбуот маркази катта инспектори

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



**Муҳтарам юртдошлар!**  
Сиз хусусий уй-жой сотишни ёхуд сотиб олишни истайсизми?!  
**Марҳамат!**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг кўмағида Республика Кўчмас мулк биржаси қўшида ташкил этилган «УЙ-ЖОЙ САВДО МАРКАЗИ»га ташриф буюринг!

Савдо марказида Сизнинг ихтиёригизга ўз айналаримизни бойитган ҳолда дунёнинг энг илғор, замонавий услубда тезкорлик, ишончлик, ошқоралик, тенг ҳуқуқлик ва мижозларга арзон хизмат кўрсатиш тамойиллари асосида тўғридан-тўғри ўзаро келишув (шартномалар) тузиш ёки оммавий савдолар орқали уй-жойлар ва бошқа мол-мулкларни нотариал тасдиқлаш имконияти билан тасарруф этишингиз (сотишингиз)

ёхуд харид қилишингиз учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Савдо марказида уй-жойлар олди-сотдиси хизматлари билан бирга, уй-жойларни ижарага бериш

ва ижарага олиш истағида бўлган юридик ҳамда жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган.

Савдо марказида брокерлар, кўчмас мулк агентлари, нотариус, банк, суғурта ва баҳолаш ташкилотлари ҳамда малякали ҳуқуқшунослар ўз маслаҳатлари билан Сизнинг хизматингизда бўладилар.

## Муҳтарам юртдошлар!

**Савдо марказида Сиз учун яратилган қулай имкониятлардан фойдаланишга шошилинг!**

Мурожаат ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1 "А"-уй.

**Телефон: 228-88-03,**

**тел/факс: 228-80-23,**

**вебсайт: www.uy-joy.uz,**

**электрон почта: uy-joy@mail.ru.**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3886 нуска босилди. Қоғоз бичими А-2

**Абу Али ибн Сино таваллудининг 1030 йиллигига**

**ИБН СИНО БУГУН:**

## ИЛМ ВА ФАЛСАФА

**Париж шаҳрида буюк аллома Абу Али ибн Сино таваллудининг 1030 йиллигига бағишланган «Ибн Сино (Авиценна) бугун: илм ва фалсафа» мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси, мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси ва Араб дунёси француз институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қатор мамлакатлардан етакчи олимлар, мутахассислар ва дипломатлар иштирок этди.**

Илм-фан ва адабиётнинг турли йўналишларига оид 450 дан зиёд асар яратган, тиббиёт соҳасидаги қатор кашфиётлари бугун ҳам амалда кенг қўлланилаётган буюк алломанинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси беқиёсдир.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Исом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида улғ аждодларимизнинг маънавий меросини асл ҳолича ўрганиш ва жаҳон миқёсида кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётди. Бу жараёнда Абу Али ибн Синонинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятини тўла тадқиқ этиш, асарларида ўз ифодасини топан эзгу ғояларни улғайиб келаяётган авлод онгига сингдириш, навқирон авлодни бой тарихимизга эҳтиром ва садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Истиқлол йилларида буюк алломанинг «Тиб қонунлари» асари ва тиббиётга оид бошқа рисоалари бир неча бор қайта нашр этилди. Ибн Синонинг миллий қадриятлар ва умуминсоний ғоялар билан йўғрилган фалсафий таълимоти асл ҳолича тадқиқ ва тарғиб этилмоқда.

Тадбирда мамлакатимизнинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили Л.Тиллаева, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти директори ўринбосари Сурайё Каримова, Араб дунёси француз институти бош директори Мухтор Толиб ибн Диёб, ЮНЕСКОнинг илмлар этикаси ва технологиялари бўлими мудири Жон Кроулей ва бошқалар ушбу йўналишда юртимиз ва хорижда амалга оширилаётган илмий-амалий ишлар, Ибн Синонинг дунё илм-фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси, унинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида сўзладилар.

Анжуманда Франция миллий тадқиқотлар маркази, Халқаро фан тарихи, Араб ва ислом фалсафаси жамияти тадқиқотчилари ва мамлакатимиз олимларининг улғ аждодимиз Абу Али ибн Синонинг ҳаёти, ижоди, фаолияти ва илмий меросини ўрганиш ва тадқиқ этишга бағишланган маърузалари тинланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,** ЎЗА мухбири

## ФАН ОЙЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

**110-мактабда «Чет тилларини ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари» мавзусида семинар ўтказилди.**

Халқ таълими вазирилик томонидан май ойи чет тиллар фанига бағишланган бўлиб, семинарда пойтахтдаги мактабларнинг чет тили фани ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбирда бугунги кунда мактабларда рус ва бошқа чет тилларини ўргатиш учун яратилган шароитлар, янги ўқув ва услубий қўлланмалар, дарсдан сўнг болаларни тўғарақларга жалб қилиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда таълим узлуксизлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, машғулотларни чуқурлаштириш тарзда ўқитиш орқали таълимни янги сифат даражасига қўтариш, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, хорижий тилларни пухта ўрганган, ҳар томонлама етук шахсни вояга етказиш бугуннинг муҳим вазифасидир.

Семинарда чет тилларида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни эркинлаштирувчи воситаларни ишлаб чиқиш, хорижий тилларни ўқитишда интерфаол ўйинларнинг роли ва бугунги кунда тиллар грамматикасига киритилган янги ўзгаришлар борасида маълумотлар берилди. 94, 60-мактаблар чет тили фани ўқитувчиларининг «Пушкин ва Шарқ» мавзусидаги очик дарси намойиш этилди.

**Азима ҚИЁСОВА,** «Туркистон-пресс»



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

**Манзилимиз: 100029,**

**Тошкент шаҳри,**

**Матбуотчилар кўчаси, 32**

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65. факс: (371) 232-11-39

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

ISSN 2010-9229

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5